# ШАРТНОМА № 03
## сиқилган газ етказиб бериш тўғрисида

Муборак шаҳар "27" Декабр 2021 йил

**"Muborak-Avtogaz" масъулияти чекланган жамияти** (кейинги ўринларда – **Сотувчи**) номидан ушбу жамият асосида фаолият кўрсатувчи жамият директори О.З.Турсуновни тимсолида бир тарафдан ва Ўзбекистон жарбилаштирилган гиспеи (кейинги ўринларда – **Сотиб олувчи**) номидан фаолият кўрсатувчи ушбу ташкилот директори Жпакупов Р. Н.ни тимсолида бир тарафдан ва биргаликда Тарафлар деб аталадиганлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.08.2018 йилдаги "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3953-сонли қарорига илованинг 22-бандига мувофиқ сиқилган газни харид қилиши учун Сотиб олувчи тўғридан-тўғри шартнома тузиш ҳуқуқига эга эканлигини ҳисобга олиб, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

### 1. Шартнома предмети

1.1 Ушбу Шартнома бўйича Сотувчи 2021-йилда қуйидаги жадвалда кўрсатилган миқдордаги сиқилган газни (кейинги ўринларда – Газ) Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса Газни қабул қилиб, Сотувчига Газ ҳақини тўлаш мажбуриятини олидалар.

| № | Ойлар | Газнинг миқдори (куб.метр ҳисобида) | № | Ойлар | Газнинг миқдори (куб.метр ҳисобида) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Январь | 3000 | 2. | Февраль | 3000 |
| 3. | Март | 3000 | 4. | Апрель | 3000 |
| 5. | Май | 3000 | 6. | Июнь | 3000 |
| 7. | Июль | 3000 | 8. | Август | 3000 |
| 9. | Сентябрь | 3000 | 10. | Октябрь | 3000 |
| 11. | Ноябрь | 3000 | 12. | Декабрь | 3000 |

1.2 Шартноманинг 1.1 бандида қайд этилган Газнинг миқдори Тарафларнинг келишувига мувофиқ 10 (ўн) календарь кун олдин амалга оширилади.

### 2. Газни баҳоси ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби

2.1 Бир куб метр Газнинг баҳоси ҚҚС билан 2`600 (икки минг олти юз) сўмни ташкил қилади. Газнинг баҳоси хом-ашё ва электр энергиясининг баҳоси ўзгарганда, ҳамда норматив-ҳуқуқий хужжатларга мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

2.2 Шартноманинг умумий суммаси ______________________________ сўм 00 тийинни ташкил қилади.

2.3 Сотиб олувчи навбатдаги ойда сотилиши кўзда тутилган миқдордаги Газ суммасининг 50 (эллик) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги олдиндан тўловни ушбу ой бошланишига қадар, қолган қисмини Газ етказиб берилганлиги тўғрисидаги ҳисоб-варақни имзолаганидан бошлаб 10 (ўн) банк кунида Сотувчининг банкдаги ҳисоб рақамига пул кўчириш ёки Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган бошқа тўлов йўллари билан амалга оширади.

### 3.Газни сотиш ва қабул қилиш тартиби

3.1 Газни сотиш ва қабул қилиш Сотувчининг газ тўлдириш шахобчасида белгиланган шаклдаги тарқатиш ведомостларига қайд этиш йўли билан амалга оширилади.

3.2 Сотиб олувчи Шартнома бўйича олдиндан тўлов амалга оширмаса, Газ сотиш тўхтатилади.

3.3 Сотиб олувчига сотилаётган Газнинг миқдори қуйидаги хужжатларга мувофиқ аниқланади:

- Методики выполнения измерений и расчета объема отпускаемого газа на АГНКС (РД Уз 51-034-94, утвержденной Госстандартом, рег № 418 от 13.01.1995 г.);
- Инструкция по учету сжатого газа на АГНКС при расчете с потребителем от 12.04.1996 г.

### 4.Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1 Газ-балон ускунаси ўрнатилган транспорт воситаларидан фойдаланишда уларнинг техник ҳолати хавфсизлик техникаси қоидаларига мувофиқлиги учун жавобгарлик Сотиб олувчининг зиммасида бўлади.

4.2 Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

- газ-балон ускунаси ўрнатилган транспорт воситалари ва Газдан фойдаланишда улардан фойдаланиш тўғрисидаги қоидалар, техник шартлар, қўлланмалар ва низомларнинг талабларига риоя этиш;
- газ-балон ускунаси ўрнатилган транспорт воситаларини, шу жумладан уларда газ-балон учкунасини техник жихатдан фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаш;

- газ балонларни техник техник жиҳатдан фойдаланишга яроқлиги, миқдори ва герметик ҳажми тўғрисидаги маълумотларни газ-балон ускунаси ўрнатилган транспорт воситаларига тўлдирилган йўл варақаларида атрофлича қайд этиш.
- Транспорт воситасига ўрнатилган газ-балон ускунасидан фойдаланиш учун белгиланган тартибда рухсатнома олиш;
- газ-балон ускунаси ўрнатилган транспорт воситаларининг техника паспорти махсус илова) ва махсус жадвалида газ балонларининг геометрик ҳажми тўғрисидаги маълумотларни ёзиб қўйиш;
- тегишли ой давомида Газни ҳар бир кунга баробар равишда кабул қилиш.

4.3 Сотувчининг мажбуриятлари:

- Газ тўлдириш шахобчасида жорий таъмирлаш ўтказилиш тўғрисида Сотиб олувчини 3 кун олдин капитал таъмирлаш ўтказилиши тўғрисида эса 15 кун олдин ёзма равишда хабардор қилиш;
- тегишли ой давомида Газни ҳар бир кунга баробар равишда сотиш.

4.4 Сотувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Сотиб олувчи Газ қуйиш шахобчасига келган – газ-балон ускунаси ўрнатилган транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларига риоя риоя этаётганлиги, ўлчов воситалари ва ёпиқ артматурани текшириб кўриш;
- газ-балон ускунаси ўрнатилган транспорт воситалари ҳайдовчиларида бундай ускуна ўрнатилган транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи мавжудлигини текшириб кўриш;
- Сотиб олувчининг ходимлари транспорт воситаларини Газ билан тўлдириш қоидаларига ва Шартнома шартларига риоя этмаганда, транспорт воситаларини Газ билан тўлдиришни тўхтатиб қўйиш.

## 5.Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1 Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги қонуни ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлари, ҳамда ушбу шартнома билан белгиланади.

5.2 Газ етказиб берилмаганда Сотувчи Сотиб олувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Газ баҳосининг 10 (ўн) фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

5.3 Газ ҳақини ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 (эллик) фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.4 Тарафлар Шартноманинг 1.1 бандида кўрсатилган Газни камроқ миқдорда сотганлиги ва сотиб олганлиги учун форс-мажор холатларида жавобгар бўлмайдилар

5.5 Ушбу Шартномада ёритилмаган масалаларни ҳал қилишда қуйидаги хужжатлар қўлланилади:

- Правила подачи газа магистральным газопроводом потребителям;
- Порядок отпуска сжиженного, сжатого природного газа для автотранспортных средств по раздаточным ведомостям, зарегистрированный в Минюсте РУз № 613 от 30.01.1999 г.

## 6.Якуний қоидалар.

6.1 Ушбу Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартиш ва бекор қилиш вақтида Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар уларнинг ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади. Агар низоларни музокара йўли билан ҳал қилишнинг иложиси бўлмаса, улар талабнома бериш тартибига риоя қилинганидан сўнг иқтисодий судда кўриб чиқилишига тегишли бўлади. Талабномани олган Тараф уни 10 (ўн) календарь кунида кўриб чиқиши шарт.

6.2 Шартнома тарафларининг ўзаро келишувига мувофиқ ёки бир тараф Шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда иккинчи тарафнинг талаби билан бекор қилиниши мумкин. Шартномани бир тарафлама бекор қилиш ёзма таклиф бериш йўли билан амалга оширилади, таклиф олингандан сўнг 7 (етти) кунлик муддат ичида унга жавоб олинмаган тақдирда Шартнома бекор қилинган деб ҳисобланади.

6.3 Тарафлар коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги тартиб ва тамойилларга риоя қилиш (ўзининг мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланмаслиги, шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этмаслиги) шарт.

6.4 Тарафлар ўзларининг юридик манзиллари ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги ҳақида бир-бирларини 3 (уч) кунлик муддатда хабардор қилишлари шарт.

6.5 Ушбу Шартномага киритилган хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ва ваколатли шахслар томонидан имзоланганидан сўнг ҳақиқий деб ҳисобланади. Шартномага иловалар унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

6.6 Ушбу Шартнома имзолангандан сўнг Тарафлар ўртасида Шартномани тузишга оид барча барча ёзма ва оғзаки келишувлар, агар улар ушбу шартномага зид бўлса, ўз кучини йўқотади.

6.7 Ушбу Шартнома ўзбек тилида бир хил кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва Тарафларга бир нусхадан берилади. Шартномага иловалар унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

6.8 Шартнома тузилган пайтдан бошлаб кучга киради ва Тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади, ҳамда 2022 йил 31 декабрь куни ҳолатига амал қилади.
6.9 Тарафлар ушбу Шартномада ёритилмаган масалаларни ҳал қилишда қуйидаги ҳужжатларни

## 7.Тарафларнинг манзили, реквизитлари ва имзолари

| **Ижрочи** | **Буюртмачи** |
|---|---|
| **"Muborak-Avtogaz" МЧЖ**<br>Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти,<br>Муборак шаҳар, 1-митти туман,<br>Muborakavtogaz71@mail.ru<br>тел.+99890 638 39 59,<br>х/р 2020 8000 2048 8322 8001 АТБ "Микрокредит банк"<br>Косон филиалида, МФО 00163,<br>СТИР 301 801 798,<br>ОКЭД 47300 | O'ZHQ<br>OCHIQ NEFT VA GAZ FAVVORALARINING<br>OLDINI OLISH VA BARTARAF ETISH BO'YICHA<br>O'ZBEKISTON HARBIYLASHTIRILGAN QISMI<br>H/R: 20210000100381865001<br>MUBORAK SQB, STIR: 200698487<br>MFO: 00186, OKED 84220 |
| ____________ О.З.Турсунов | ____________ |
| м.ў. | м.ў. |

| **В И З А Л А Р** | | |
|---|---|---|
| Ф И Ш | мансаби | имзо |
| Кенжаев Н.А. | ХИЧХТО командири | |
| Зойиров З.Э. | Бош хисобчи | |
| Рахмонов Б.Я. | Хукукшунос | |

**Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида**

**ГУВОҲНОМА**

Реестр № 1429

"27" Декабр 2016 йил

№ 0001295

**Мазкур гувоҳнома:** **«MUBORAK AVTO GAZ»**

масъулияти чекланган жамияти

(давлат тилидаги тўлиқ номи)

(юридик шахс бўлган деҳқон хўжаликлари, фермер хўжаликлари учун ажратилган ер участкаси ва унинг майдони кўрсатилади)

участкаси ва унинг майдони кўрсатилади)

| | | |
|---|---|---|
| Ташкилий-ҳуқуқий шакли: | ТХШ | 152 |
| Мулкчилик шакли: | МШТ | 142 |
| Давлат рўйхатидан ўтган кундаги почта манзили: | МХБТ | 1710234501 |
| Юридик шахс коди: | КТУТ | 23491294 |
| Асосий фаолият тури: | ХХТУ | 1123[illegible] |
| Солиқ тўловчининг идентификацион рақами: | СТИР | 301801798 |

Қўшимча маълумотлар: **2016 йил 20 июнда № 1295-сонли реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.**

**М.Ў.**

**Муборак туман ҳокимлиги ҳузуридаги**
**«ЯГОНА ДАРЧА» маркази директори:** М.Рузимуродов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси "Ўздавнефтгазинспекция"

# ЛИЦЕНЗИЯ

АА № 0330

Мазкур лицензия билан **"MUBORAK AVTO GAZ"**
*(лицензия эгасининг тўлиқ номи)*
**масъулияти чекланган жамияти**
га
**Қашқадарё вилояти, Муборак тумани, Муборак шаҳри, саноат зонасида**
*(рухсат этилган фаслият тури)*
**жойлашган АГТКШ орқали сиқилган табиий газни сотиш**
билан шуғулланишга рухсат этилади.

Лицензия эгасининг жойлашган жойи (почта манзили): **Қашқадарё вилояти, Муборак тумани, Муборак шаҳри, саноат зонаси**

Лицензия эгасининг солиқ тўловчи сифатидаги идентификация рақами: **301 801 798**

Лицензия берилган сана: **2019** й. **30 январь**

Лицензиянинг амал қилиш муддати **беш йил**

Реестр бўйича тартиб рақами: **№ 281**

Ваколатли шахс: **Н. Агзамов** ____________
*(исми шарифи, фамилияси)* *(имзоси)*

М.Ў.

Лицензиянинг амал қилиш муддати ______ й. ____________ гача узайтирилди.

Ваколатли шахс: ____________ ____________
*(исми шарифи, фамилияси)* *(имзоси)*

М.Ў.

Лицензиянинг амал қилиш муддати ______ й. ____________ гача узайтирилди.

Ваколатли шахс: ____________ ____________
*(исми шарифи, фамилияси)* *(имзоси)*

М.Ў.

" Т А С Д И К Л А Й М А Н "
"MUBORAK AVTO GAZ" МЧЖ
директори
_____________ О.З.Турсунов

Муборак туман "MUBORAK AVTO GAZ" маъсулияти чекланган жамиятининг сиқилган газ сотиш буйича

## К А Л Ь К У Л Я Ц И Я

| № | Максади | 1 м3 да |
|---|---|---|
| 1 | 1 м3 газни харид нархи | 1000 сум |
| 2 | Ишчи хизматчиларнинг иш хакилари 35800000 сум х12=429600000:2880000м3 | 149 сум 17 т |
| 3 | Ягона ижтимоий тулов 429600000 х 12%=51552000:2880000м3 | 17 сум 90 т |
| 4 | Электр энергия харажатлари 51750000 сум:х 12=621000000:2880000м3 | 215 сум 62 т |
| 5 | Амортизация Компрессор машиналари ва ускуналари 1621400000*15%=243210000:2880000м3 | 84 сум 44 т |
| 6 | Амортизация бинолар ва иморатлар 550000000*5%=27500000 : 2880000м3 | 9 сум 55 т |
| 7 | Мол-Мулк солиги 2171400000 х 2%=43428000:2880000м3 | 15 сум 08 т |
| 8 | Ер солиги 2,48 га х 22695000=56283600:2880000м3 | 19 сум 42 т |
| 9 | Акциз солиги | 500 сум 00 т |
| 10 | Жамият фойдасига | 214 сум 14 т |
| 11 | Фойда солиги | 35 сум 55 т |
| | **ЖАМИ:** | **2260 сум 87 т** |
| 1 | ККС 15% | 339 сум 13 т |
| | **ХАММАСИ:** | **2600 сум** |

**Изох: "MUBORAK AVTO GAZ"МЧЖ нинг бир ойлик сиқилган газ сотиш курсатгичи 240000м3, бир йилда 2880000м3 сотишдан келиб чиккан колда хисобланган**

**Бош хисобчи:**